O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 23 июль, № 145 (5060) Жума


## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ва профилактик соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш, энг аввало, қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли вазифани изчил амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг 2010 — 2015 йилларда қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёлларни таркибида, шу жумладан, фоли кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминларнинг махсус комплекслари билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

2010 — 2014 йилларда республиканинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёллар учун харид қилинадиган, таркибида, шу жумладан, фоли кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплекслари таркибидаги витаминларнинг энг кам рўйхати;

республиканинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёллар учун харид қилинадиган, таркибида, шу жумладан, фоли кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплексларини харид қилиш, тақсимлаш ва ажратиш тартиби тўғрисидаги Низом;

республиканинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёллар учун харид қилинадиган, таркибида, шу жумладан, фоли кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплексларини харид қилиш бўйича Идоралараро тендер комиссияси таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2010 йилда ҳомиладор аёллар учун поливитаминлар комплексини харид қилиш учун ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга назарда тутилган харажатлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 8,0 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратсин.

2011 — 2014 йилларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган буюртманомалари бўйича республиканинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёллар учун харид қилинадиган, таркибида, шу жумладан, фоли кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминларнинг махсус комплексларини сотиб олишга зарур маблағларни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан олиб кириладиган, таркибида, шу жумладан, фоли кислотаси мавжуд бўлган 1-иловага киритилган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплекслари 2015 йил 1 январгача божхона тўловлари (божхона йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

5. Поливитаминларнинг махсус комплекслари республиканинг қишлоқ туманларидаги ҳомиладор аёллар сонига, препаратларнинг зарур тарзда транспортда ташилишига ва сақланишига, уларнинг ҳомиладор аёлларга мақсадли ажратилишига, шунингдек, поливитаминлар комплексларидан фойдаланишнинг зарур тарзда ҳисобга олиниши ва ҳисобот берилишига қараб ҳудудлар бўйича асосли тақсимланишини таъминлаш учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси поливитаминлар комплексларини харид қилишга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишини, шунингдек, асосли ва аниқ тарзда тақсимланишини, туман тиббиёт бирлашмалари ва қишлоқ врачлик пунктларигача етказиб берилишини, зарур тарзда омборга жойлаштирилиши ва сақланишини, ҳомиладор аёлларга аниқ тарзда ажратилишини мунтазам равишда текшириб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, маҳаллий телевидение, радио ва газеталар орқали ҳомиладор аёлларнинг репродуктив саломатлигини ва уларнинг бўлажак фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлаш учун поливитаминлар комплексларини қабул қилишнинг муҳимлиги тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этсинлар.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари республиканинг қишлоқ туманларида ҳомиладор аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга ва аҳолининг тиббий маданиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши ёритилишига ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 июль

## ИСТИҚЛОЛДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН ҚАДРИЯТ



19 йил

***Истиқлол йилларида бошқа қадриятларимиз, маънавиятимизнинг серқирра чашмалари сингари зардўзлик санъати ҳам юксак қадр топди. Халқимизга хос ҳунармандчилик турларидан бири бўлган бу мерос бугун эъзозланиб, зардўзларимиз меҳнати алоҳида эътироф этилмоқда. Зеро, ҳар бир халқнинг миллийлигини акс эттирувчи ўзига хос касбу кори борки, бу билан ўша халқ ёки миллатга дахлдорликни англаш мумкин.***

Мерос



Шу боис мустақиллик туфайли Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан ҳунармандларимиз қўллаб-қувватланмоқда экан, бу ғамхўрлик замирида азалий анъаналаримизга юксак ҳурмат туйғуси мужассамдир.

Ота-боболаримиздан мерос ҳунармандчилик истиқлол йилларида бамисоли булоқ каби қайта кўз очди. Ҳозир дунёнинг энг йирик музейларида ҳамда хусусий коллекцияларда ҳунармандларимиз қўлидан чиққан осориатиқаларни кўриш мумкин. Улар орасида зардўзлик буюмларини ҳам, албатта, учратасиз.

— Маҳсулотларимизга хорижда ҳам қизиқиш катта, — дейди Бухоро шаҳридаги "Заркон" масъулияти чекланган жамияти цех бошлиғи Майрам Адизова. — Франция, Швеция, АҚШ, Исроил каби давлатлардан у ёки бу турдаги зардўзлик буюми тайёрлаб бериш ҳақида буюртмалар олиб турибмиз. Умуман, бизда 25 турдаги зардўзлик маҳсулотлари тайёрланади. Зартўн, заргилам, зардўппи, болишпўш, нимча каби маҳсулотларимизга эса алоҳида қизиқиш билан қарашади. Корхонамизда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 250 миллион сўмлик буюртма иш бажардик.

(Давоми 2-бетда).

## ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

***Биз юртимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда бу борада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги нашрлар циклини давом эттирмоқдамиз.***

Ўтган йилнинг декабрь ойида чоп этилган аввалги мақолада сайловлар, ижро иши юритиш, жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг кодексларидаги ярашув жиноий-ҳуқуқий институтини кенгайтириш, фуқаролик процессида вакиллик институтини такомиллаштириш, сифатсиз ва қалбаки дорилар ҳамда тиббий буюмлар билан муомала қилиниши учун жавобгарликни кучайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида гапириб ўтилган эди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг норматив базасини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида "қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини" таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.

Давлат раҳбарининг бу талабларидан келиб чиқиб, мазкур йўналишдаги ишлар доимий асосда олиб борилмоқда.

Жумладан, фақатгина 2009 йил ва 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида Бош прокуратура томонидан мамлакат парламентига Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини тартибга солишга қаратилган 11 қонун лойиҳаси киритилган. Уларнинг бир қисми аввалги мақолаларимизда ёритилган эди, шу боис қонунчиликка киритилган кейинги ўзгартишларга оид қонун лойиҳаларига назар ташласак.

Хусусан, жорий йилнинг 18 май куни маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонун жиноят қонунини янада либераллаштириш ва жиноий жазоларни дифференциялашга қаратилган. Мазкур Қонун лойиҳаси енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида жиноят учун жазо тайинлашнинг ҳуқуқий механизмларини ўрганиш натижалари бўйича ишлаб чиқилган эди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатлардан фақатгина айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш ва етказилган зарарни бартараф этиш (55-модда биринчи қисмининг "а" ва "б" бандлари) каби ҳолатлар айбдорнинг жиноят содир этилгандан сўнг фаол ижобий ҳаракатлари билан ажралиб туради.

Юқоридаги тўртта ҳолат айбдорнинг амалда пушаймон бўлганлигини билдириб, унинг ўз қилмишининг ғайриқонунийлигини англаганлигидан ва у учун жазо олишга тайёр эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, қонунда қайд этилган енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида жазонинг аниқ чегараси ва енгилроқ жазо тайинланишининг ҳуқуқий кафолатлари белгиланмаганлиги сабабли, айбдор шахслар пушаймонликни фаол ҳаракат орқали намоён этишдан ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эмас эди. Бу ҳолат эса жиноятларнинг тез фош этилиши, бошқа иштирокчиларнинг қидируви ва ушланиши, кечиктириб бўлмайдиган бошқа тергов ҳаракатларининг тезкорлик билан олиб борилишига ёрдам бермас эди.

Шу сабабдан қабул қилинган Қонун билан Жиноят кодексига янги $57^1$-модда киритилиб, унда юқорида кўрсатилган ҳолларда ва оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигида жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмайдиган жазо тайинланиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Бунда киритилган норма ижтимоий хавфи юқори бўлган, оғирлаштирувчи ҳолатлардаги қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (155-моддасининг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонунчиликдаги яна бир бўшлиқ касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсларга ОИВ касаллигини юқтириш учун жиноий жавобгарлик масалалари билан боғлиқ бўлган.

Жиноят кодексида бундай қилмиш учун жавобгарликни белгиловчи махсус меъёр мавжуд эмаслиги боис ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашиш борасида ҳуқуқни қўллаш ва тергов-суд амалиётида бу тоифадаги жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри малакалашда муаммолар юзага келар эди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 116-моддасида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун жавобгарликни назарда тутиб, бундай жавобгарлик фақатгина баданга ўртача оғир шикаст, оғир шикаст, одамнинг ўлими каби оқибатлар келиб чиққан ҳолдагина юзага келади. Бунда ОИВ инфекциясини юқтириш ҳолатининг ўзини, оқибатда ўлим юз бермаган бўлса, жавобгарлик учун асос бўлувчи оқибатлар сирасига киритиш мумкин эмас.

Шу сабабли, 2010 йил 24 май куни Қонун қабул қилиниб, Жиноят кодексининг 113-моддаси шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши учун олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жавобгарликни назарда тутувчи бешинчи қисм билан тўлдирилди.

Мазкур норма ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чораларнинг самарадорлигини ва тиббиёт ходимларининг ушбу касалликнинг олдини олиш қоидаларига қатъий риоя этиши учун масъулиятини оширишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Фахрийлар кенгашдилар

***САМАРҚАНД. Республика фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгашининг 2010 йил биринчи ярим йиллигига бағишланган кўчма йиғилиши Самарқандда бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларда кексалар ва фахрийларнинг иштироки, улар томонидан амалга оширилаётган кўплаб ташаббуслар, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр юритилди.

Тадбир меҳмонлари Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлиб, қутлуғ қадамжоларни зиёрат қилдилар. Самарқанд туманидаги уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонасига ташриф буюриб, бу ерда даволанаётганларга яратилган шарт-шароитлар ва иш жараёни билан танишишди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёшлар учун меҳнат ярмаркаси

**СИРДАРЁ. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.**

Вилоятнинг Оқолтин тумани Оқолтин ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда туман прокуратураси ҳамкорлигида коллеж битирувчилари учун "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари" ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги 27 та корхона ва ташкилот 159 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбирда 63 нафар ёш ишга жойлаштирилди. 10 нафар ёш "устоз-шогирд" йўналиши бўйича ташкилот ва муассасаларга бириктирилди. Беш нафар ёшга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун 1 миллион сўмдан имтиёзли кредит олиш бўйича сертификатлар топширилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Аҳоли саломатлиги йўлида

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИнинг Элликқалъа туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга бағишланган семинар ўтказилди.***

(Давоми 2-бетда).

Тақдимот

***"Тошкент — Урганч" ҳаво йўналиши бўйича Урганч шаҳри халқаро аэропортига янги энг замонавий ва қулай самолёт — "А-320" ҳаво лайнери келиб қўнди. Эндиликда бу авиалайнер Урганч шаҳри ва пойтахтимиз ўртасида мунтазам қатнайдиган бўлди.***

## Янги авиалайнер — Урганчда

"Airbus Industries" консорциумининг Гамбургдаги заводида ишлаб чиқарилган ушбу ҳаво кемаси миллий авиакомпаниямиз тасарруфидаги эскирган самолётларни тежамкор, ишончли ва қулай лайнерлар билан алмаштириш дастурига кўра, мамлакатимизга келтирилди.

"Урганч" халқаро аэропортида янги авиалайнерни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Тадбирда мутахассислар замонавий самолётнинг техник сифатларига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Мазкур лайнер кам ёқилғи сарфлайди, вазни нисбатан енгил бўлгани боис кўпроқ йўловчи ва юк ташиш имкониятига эга.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Саноатимизнинг шаҳдам одими

Бир рақам шарҳи

***Жорий йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми***

**8 фоиз ўсди.**

Республикамизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш, айниқса, саноат корхоналарини модернизациялаш ва таркибий қайта ўзгартириш ишлари жадал давом эттирилаётгани, тизим рақобатбардошлигини ошириш бўйича пухта ўйланган чора-тадбирлар амалга оширилаётгани туфайли шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

## АКАДЕМИК АБДУРАҲИМ ОБИДОВ



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради.

Тиббиёт соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Абдураҳим Обидович Обидов 81 ёшида вафот этди.

А. Обидов 1929 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1953 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатиб, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани марказий касалхонасида шифокор сифатида иш бошлади.

Кейинчалик Тошкент Вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил олди. 1959 йилда номзодлик, 1965 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1978 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 2000 йили ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А. Обидов ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Ўлка тиббиёт институти (ҳозирги Эндокринология институти) катта илмий ходими, Вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти директори, Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) кафедра мудири, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар институти лаборатория мудири каби лавозимларда самарали меҳнат қилди. Унинг эпидемиология, тиббиёт микробиологияси соҳасининг муҳим назарий ва амалий масалаларига бағишланган 300 дан ортиқ мақола ва рисолалари, ўнлаб монографиялари илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим жонкуяр устоз сифатида юртимизда малакали тиббий кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг бевосита раҳбарлигида 10 нафар фан доктори, 50 дан зиёд фан номзоди тайёрланди.

Академик А. Обидовнинг мамлакатимиз тиббиёт фани ривожига қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони ва "Шуҳрат" медали билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Абдураҳим Обидовнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, А. АРИПОВ, А. ИКРОМОВ, Ш. СОЛИҲОВ, Ш. КАРИМОВ**

# ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН

***Фарғона вилоятида ҳам энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз истиқлолининг 19 йиллиги олдидан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзуида давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, маданият ва санъат намояндалари билан учрашувлар ўтказилмоқда.***

Тадбир

Ана шундай тадбирлардан бири Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, ёзувчи ва шоирлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлолимизнинг юртдошларимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бераётган юксак самаралар, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик хусусида тўхталдилар.

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатлари учун хизмат қилиши бу йилги байрам шиорида ҳам ўз ифодасини топган, — дейди Фарғона вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳусниддин Бойназаров. — Шу боис, ўтказилаётган тадбирларда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғоянинг мазмун-моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# O'ZSANOATQURILISHBANK

***Бу йил мамлакатимиз мустақилликка эришганига 19 йил тўлади. Эркин ва озодликда яшаш саодатининг ушбу юксак довони насиб этган айни кунларда юракларимизда адоғи йўқ самимий туйғулар жўш уради. Юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик, омонлик, бунёдкорлик ва фаровонликдан беихтиёр ғурурланасан, киши. Ахир халқимизнинг яратувчилик салоҳиятию фидокорона меҳнатидан ғурур-ифтихор туймай бўладими?***

***Дарҳақиқат, мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар ва янгиланишларнинг барчаси инсон, унинг манфаатлари, юрт равнақи, ёш авлоднинг ёрқин келажаги учун йўналтирилгани барчага кундек равшан. Биз биргина банк-молия соҳасидаги ўзгаришларни инобатга олганимизда ҳам юртимиз тараққиёти йўлида қанчалик улуғ ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз.***

## «Ўзсаноатқурилишбанк»:

# ЭЗГУЛИККА САРФЛАНАЁТГАН САРМОЯ

**мамлакатимиз иқтисодиётининг янада изчил ривожланиши ва аҳоли фаровонлигининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.**

Хусусан, мамлакатимиз молия бозорининг етакчи муассасаси — "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг ҳам бутун фаолияти ўз келажагини ўз қўли билан яратаётган бағри кенг халқимизнинг фаровонлиги ва дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшишга қаратилган.

Одатда, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг афзаллиги, ўзига хос жиҳатлари хусусида гап кетганда, кўпчилик мазкур молия муассасасининг универсал банк сифатида кенг қамровда барқарор фаолият кўрсатишини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, шундай. У бугун юртимиз келажагига дахлдор йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, нефть-газ, энергетика, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхоналарига комплекс равишда молия-кредит хизматларини кўрсатиш, етакчи тармоқларни модернизация қилишдан тортиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш дейсизми ёки тадбиркорлигу касаначиликни ривожлантириш, фермерликни қўллаб-қувватлашми, хуллас, барча соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мазкур молия муассасаси томонидан бугунги кунда 50 дан ортиқ анъанавий ва замонавий банк хизматлари кўрсатилишининг ўзи унинг иқтисодий салоҳиятидан даракдир. Шу боис, биз қуйида "Мижоз — ҳамиша ҳақ" шиори остида фаолият кўрсатувчи ташаббускор ва янгиликка интилувчи жамоанинг Президентимизнинг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан амалга ошираётган ишлари тўғрисида тўхталишни жоиз деб топдик.

Зеро, "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ бугун нафақат мамлакат иқтисодиётининг, балки ижтимоий ҳаётнинг ҳам фаол ташаббускорига айланди. Эндиликда у ўз мижозларига комплекс банк хизматларини кўрсатиш билан бирга, реал сектор корхоналарини молиялаштиришда, иқтисодий ночор ташкилотларни қайта тиклашда ва шу орқали ишчи ўринларини яратишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўтган йил бошида банк томонидан сотиб олинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, лойиҳавий инвестициялаш ҳамда инвестициявий кредитлар беришнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу ишларни амалга оширишда банк таркибий тузилмасида махсус "Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш Департаменти"нинг ташкил қилингани муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, янги ишлаб чиқариш корхоналар активларини сифатли бошқариш мақсадида "ПСБ Индустриал Инвестментс" бошқарув компанияси тузилди.

Ҳозирда банк балансига қабул қилинган жами 9 та банкрот корхонанинг навбатдан ташқари харажатлари ва иш ҳақи бўйича қарздорликлари банк ҳисобидан тўлаб берилди. Бугунги кунда ушбу банкрот корхоналар негизида 4 та корхона ташкил қилиниб, ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилди. Юзлаб янги иш ўринлари яратилди.



Жумладан, Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича республика комиссиясининг қарорига асосан, бундан бир муддат олдин Хоразм вилоятида самарасиз фаолият кўрсатаётган "Ҳазорасп гилами" масъулияти чекланган жамиятининг мол-мулклари банк балансига қабул қилинган эди. Банк томонидан корхона қайта ихтисослаштирилди.

Хўш, натижа-чи? Натижа эса кутилганидан ҳам ортиқ бўлди. Ушбу банкрот корхона негизида "Ҳазорасп Беккери" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Корхонада қурилиш учун йилига 233 минг дона рангли шифер, 345 минг квадрат метр металл черепицаси ва профнастил маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 48 нафар иш ўрни яратилди.

Бугунга қадар корхонага жами 1,9 миллиард сўмлик инвестициялар киритилди. Шу жумладан, асбоб-ускуналарни сотиб олиб ўрнатишга 608 миллион сўмлик ҳамда қурилиш-монтаж ишларига 162 миллион сўмлик маблағлар йўналтирилди. Муҳими, саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

"Ўзсаноатқурилишбанк" бу каби амалий ва истиқболли ишларни давом эттириб, Андижон вилоятидаги иккита банкрот корхона — "Баликчитекс" қўшма корхонаси ҳамда "Баликчитекстиль" ОАЖни 5,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан сотиб олди. Ҳозирда ушбу корхоналар негизида янги "ПСБ-Антекс групп" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

— Очиғи, ўша пайтда "Балиқчитекстиль"да ҳам, "Балиқчитекс"да ҳам иқтисодий ночорлик туфайли ишлаб чиқариш бутунлай тўхтатилган эди, — дея эслайди янги ташкил этилган "ПСБ-Антекс групп" масъулияти чекланган жамияти директори Абдулазиз Ҳакимов. — Эскирган дастгоҳлар, хароба аҳволдаги бинолар гўё энди ҳеч кимга керак эмасдек эди. Негаки, корхоналарнинг қайта оёққа туришига бўлган умид сўнганди.

Лекин излаганга имкон топиларкан. "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоасининг ғайрат-шижоати, улар томонидан сарф қилинган катта миқдордаги сармоя, энг муҳими, ҳукуматимизнинг доимий қўллаб-қувватлаши ҳисобига корхоналарга янгича ҳаёт бахш этилди.

Албатта, бугун бу ерда аввалги ғарибона цехлардан, муддатини ўтаб бўлган дастгоҳлардан асар ҳам йўқ. Ҳаммаси янги, замонавий. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса сифатлилиги боис бозорда бемалол рақобатлаша олади.

— Банк учун банкрот ҳолатидаги корхоналарни қабул қилиш осон эмасди, — дея сўзида давом этади А. Ҳакимов. — Аввало, катта миқдордаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, қолаверса, иш ҳақидаги қарзлар унча-мунча кишини ўйлантириб қўйиши табиий. Аммо "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг қарори қатъий бўлди: "Корхоналарни, албатта, оёққа турғизамиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Ҳамма гап ҳамжиҳатликда ишлашимизда".

Амалда ҳам худди шундай бўлди. Банк ходимлари ва корхона етакчилари гапни бир жойга қўйишди. Корхоналарнинг мавжуд қарзлари, ишчиларнинг иш ҳақлари тўлиқ тўлаб берилди. Ҳувиллаб ётган цехларни юзлаб янги ишчилар тўлдирди.

Корхонага 7,0 миллиард сўмлик инвестициялар киритилиб, молиявий соғломлаштиришга эришилди. Янги ускуналар олиб келинди. Мавжудлари қайта таъмирланди. Асосий хом ашё — пахта толасини сотиб олиш учун банк томонидан 2 миллион АҚШ доллари миқдорида кафолатлар берилди. Эндиликда корхона ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилишга ҳам улгурди.

Ҳозирда ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди. 450 нафар малакали кадр ишга қабул қилинди. Эндиликда қўшимча ускуналар сотиб олиш, ишлаб чиқаришнинг учинчи линиясини ўрнатиш, коммуникация тизимини таъмирлаш, қисқа қилиб айтганда, корхонани тўла қувват билан ишга тушириш бўйича галдаги вазифалар амалга оширилмоқда. Бу ҳали банкнинг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги ишларининг ҳаммаси эмас.

Яқинда "Туямўйинғишт" шўъба корхонаси негизида "Хорезм брикс" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Энг қувонарлиси, бу янги корхона йилига 10,8 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш имконини беради.



Шу вақтгача банк томонидан "Хорезм брикс" МЧЖга жами 1,9 млрд. сўм инвестиция киритилди. Ҳозирги кунда корхонада банк инвестицияси ҳисобига янги линия сотиб олиниб, ишга туширилди. Шунингдек, ғиштни қуритиш ва пишириш печлари, хом ашёни тайёрлаш ва электр энергияси таъминоти иншоотлари тўлиқ таъмирланди. Шу тариқа бир вақтлар қарздорлик ботқоғига ботган, бутунлай хароб бўлган корхона конвейерларидан сифатли ғишт чиқа бошлади.

Ҳозирги кунда кредит маблағларининг янги манбалари — кредит линияларини жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, банк Ислом Тараққиёт банки ва Германиянинг КфВ банки билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, уларнинг кредит маблағларини муваффақиятли ўзлаштириб келмоқда. Шунингдек, кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Осиё тараққиёт банки, Хитой Эксимбанки ва Хитой Тараққиёт банкининг кредит линияларини жалб қилиш бўйича дастлабки тасдиқлар олинди. ЖТТБнинг 2 млн. АҚШ доллари, Хусусий Секторни Ривожлантириш бўйича Ислом Корпорациясининг жами 12 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лимити доирасида 3 млн. АҚШ доллари миқдорида тегишли битимлар имзоланди.

Банкнинг ички кредит сиёсатидаги асосий йўналишларига ва кредитлаш тартибига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, кичик бизнес субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун ажратиладиган кредитлар муддати узайтирилди.

Йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий таянч бўлиш ҳам банкнинг доимий диққат марказида туради. Бунда, айниқса, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг муассаса капиталини ошириш йўлида жалб этган мақсадли маблағларини иқтисодиётнинг реал секторини имтиёзли кредитлашга йўналтираётганлиги иқтисодиётимизнинг янада барқарорлашувида аҳамиятли тадбир саналади. Бундай амалий ишларнинг исботи сифатида банкнинг "Ўзкимёсаноат" ва "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниялари томонидан тақдим этилган жами 53 млрд. сўмлик 3 та лойиҳасини молиялаштирганини айтиб ўтиш мумкин.

**Истиқлол ва истиқбол**

- ***Бугунги кунда мазкур молия муассасасининг аҳил жамоаси 1 миллиондан ошиқ мижозлар хизматида. Юртимизнинг турли ҳудудларидаги 43 та филиал, 100 га яқин минибанк, 200 га яқин жамғарма кассаси ва бошқа шохобчалар унинг қўшқанотлари ҳисобланади.***
- Жаҳоннинг энг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари "Fitch Ratings" ҳамда "Standart & Poor's" "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятини муносиб баҳолаб, уни ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этди.
- **Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, унинг ўз капитали 177,2 миллиард сўмга етказилди. Жами умумий активлар ҳажми эса 1891,9 миллиард сўмдан ошди.**
- Айни кунларда юртимизда банкнинг 4200 донага яқин терминаллари аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Мижозлар қўлида эса 834 мингдан зиёд пластик карточкалари мавжуд.

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг хизмат кўлами, банк жамоаси амалга ошираётган ишлар ва тадбирлар хусусида яна кўп ва хўп гапириш мумкин. Биз юқорида катта ва аҳил жамоанинг самарали фаолияти ҳақида қисқача тўхталдик, холос. Мамлакатимизда бунёдкорлик ва аҳоли фаровонлиги йўлида қилинаётган юмушлар 365 кун давомида тўхтамаганидек, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг иш кунлари ҳам, бир зум бўлса-да, тўхтамайди.

Келгусида "Ўзсаноатқурилишбанк" ўз ресурс базасини шакллантириб, капиталлашув даражасини янада ошириши, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва инвестициявий фаолиятини янада ривожлантириш ниятида. Бундан маълум бўладики, у барқарор ривожланишда давом этиб, мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва салоҳиятининг янада ошишига ҳамиша камарбаста бўлиб бораверади.

**Фурқат САНАЕВ.** t


## ТЕНДЕР ЭЪЛОНИ

**Чоп этиш санаси** — 2010 йил 23 июль.
**Кредит:** 2380–UZB: Қишлоқ мактабларида таълимни ривожлантириш лойиҳаси.
**Шартнома рақами ва номи:** 2380-UZB/ICB03 — «Ўзбекистон Республикасининг 8 вилоятида жойлашган болалар мусиқа ва санъат мактабларини Европа ва миллий мусиқа жиҳозлари ва асбоблари билан таъминлаш, уларни етказиб бериш ва ўрнатиш».
**Тақдим этиш учун сўнгги муддат** — 2010 йил 3 сентябрь.

**1.** Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қишлоқ жойларида мактаб таълимини ривожлантириш лойиҳасини молиялаштириш мақсадида Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) кредит маблағларини жалб қилган. Ушбу кредит маблағларининг маълум қисмини юқорида таъкидланган шартнома тўловлари учун ишлатиш режалаштирилган. Тендерда ОТБ томонидан тендерларда қатнашиш ҳуқуқи берилган барча давлатлар иштирок этиши мумкин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (иш берувчи) қатнашиш ҳуқуқига эга иштирокчиларни муҳрланган ўз нарх таклифлари билан «Ўзбекистон Республикасининг 8 вилоятида жойлашган болалар мусиқа ва санъат мактабларини Европа ва миллий мусиқа жиҳозлари ва асбоблари билан таъминлаш, уларни етказиб бериш ва ўрнатиш» бўйича ўтказилаётган тендер савдосида қатнашиш учун таклиф этади. Тендер Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етказиб бериладиган қуйидаги 6 та лотга гуруҳланади. Товарлар спецификацияси ва улар тўғрисида батафсил маълумотлар тендер ҳужжатининг 4-бўлими «Етказиб бериш жадвали»да тақдим этилган. Тендер иштирокчилари тендер ҳужжатларида белгиланадиган бир ёки бир неча лотлар учун нарх таклифлари тақдим этиши мумкин.

**3.** Халқаро тендер савдолари ОТБнинг **бир босқичли** тендер усулига мувофиқ ўтказилади: **бир конвертли** тендер усули бўйича қатнашиш ҳуқуқига эга барча давлатлар иштирок этиши мумкин.

**4.** Батафсил маълумот олиш ҳамда тендер ҳужжатлари билан танишиб чиқишни истаган тендер иштирокчилари қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари лозим:
**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,**
**Қишлоқ мактабларида таълимни ривожлантириш лойиҳаси, кредит № 2380–UZB,**
**Б. Данияров, лойиҳа директори, Р. Ходжаев, ЛАОГ менежери,**
**Ўзбекистон Республикаси, 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 620-хона.**
**Тел./факс: (+998 71) 239-15-77, (+998 71) 239-15-78. E-mail: uzb-2380@inbox.uz**

**5.** Инглиз тилидаги тендер ҳужжатларини харид қилиш учун қатнашиш ҳуқуқига эга тендер иштирокчилари:

**а)** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига юқорида кўрсатилган манзил бўйича ташриф буюриши ҳамда маҳаллий иштирокчилар учун 250 000 (икки юз эллик минг) сўм ва хорижий иштирокчилар учун 200 (икки юз) АҚШ доллари миқдорида қайтарилмайдиган тўлов тўлаши лозим. Тўлов «Тендер № 2380-UZB/ICB03» кўрсатилган ҳолда, 2380-UZB лойиҳасини амалга ошириш гуруҳининг (ЛАОГ) банк ҳисоб рақамига тўғри депозит усулида амалга оширилади:
Банк номи — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Тошкент шаҳар бўлими, Амалиёт бўлими, МФО 00451, SWIFT коди NBFA UZ2X.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100019, Тошкент шаҳри, F. Fулом кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-371) 244-35-52.
Ҳисоб рақами номи — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги UZB-2380 ЛАОГ.
Ҳисоб рақами: 20 203 840 104 259 648 002 (АҚШ долларидаги тўловлар учун)
ёки 20 203 000 004 259 648 011 (сўмдаги тўловлар учун)
ёки

**б)** тендер ҳужжатини етказиб беришни сўраб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг юқорида кўрсатилган манзилига ёзма ариза тақдим этиши лозим. Ариза республика ичида етказиб бериш учун 20 000 (йигирма минг) сўм ва хорижга етказиб бериш учун 50 (эллик) АҚШ доллари миқдоридаги банк чеки билан бирга жўнатилиши керак. Ҳужжат курьер орқали етказиб берилади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳужжатнинг ўз вақтида етиб бормаганлиги ёки умуман етиб бормаганлиги учун ҳеч қандай мажбурият олмайди.

**6.** Нарх таклифларини тақдим этиш:
**а)** Нарх таклифлари юқорида кўрсатилган манзилга етказилиши лозим.
**б)** Тақдим этиш учун сўнгги муддат — 2010 йил 3 сентябрь (Тошкент вақти билан) соат 15.00 гача.
**с)** Нарх таклифлари жадвалда кўрсатилган ёки эркин айирбошланадиган валютадаги унга эквивалент миқдорда берилган тендерда иштирок этиш учун кафолат билан бирга тақдим этилиши лозим. Бошқа валюталардаги тендерда иштирок этиш учун кафолат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кафолат берилган санада ўрнатилган валюта курси бўйича ҳисоблаб чиқилади.

| Лот рақами | Лот номи | Тендерда иштирок этиш учун кафолат миқдори | Тўплам | Етказиб бериш муддати |
|---|---|---|---|---|
| L01 | Махсус мебель | 9 250.0 АҚШ доллари | 23 | 90 кун |
| L02 | Миллий мусиқа жиҳозлари | 8 050.0 АҚШ доллари | 23 | 120 кун |
| L03 | Санъат синфлари учун жиҳозлар | 4 350.0 АҚШ доллари | 23 | 90 кун |
| L04 | Амалий санъат синфлари учун жиҳозлар | 1 900.0 АҚШ доллари | 23 | 90 кун |
| L05 | Маиший ва офис жиҳозлари | 7 800.0 АҚШ доллари | 23 | 90 кун |
| L06 | Европа мусиқа жиҳозлари | 90 000.0 АҚШ доллари | 23 | 90 кун |

**7.** Нарх таклифлари белгиланган сўнгги муддат якунлангандан сўнг тендер иштирокчилари вакилларининг ихтиёрий иштирокида эълон қилинади.

**8.** Тендер иштирокчиларининг нарх таклифларини тайёрлаш ёки тақдим этиш билан боғлиқ харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳеч қандай мажбурият олмайди.

ФАХР



*— Ошпаздан ҳам спортчи чиқармикан, дея ҳайрон бўлишингиз мумкин, — ҳикоясини бошлайди бухоролик Комил Шукуров. — Чиндан ҳам, билим юртида ўқиб, ошпазлик дипломини олганман. Озроқ муддат ресторанда ишлаганман ҳам. Аммо спорт оҳанрабодек ўзига тортавергач, ошпазликни ташладим. Очиғи, афсусланмайман. Ҳозир 5-дан қора белбоғ соҳиби, халқаро тоифадаги спорт устасиман. Таэквондо ҳамда ўзбек жанг санъати бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийиман.*

# ЭПЧИЛЛИК ВА МАҲОРАТ ҒАЛАБАСИ

Сирасини айтганда, Комил ака спортга болалигиданоқ ошно тутинган. Дастлаб от спорти билан шуғулланган. Ҳатто 1984 йилда ёшлар спартакиадасида ўзининг "Империя" лақабли оти билан ғолиб ҳам чиққан ва спорт устаси талабини бажарган. Кейин эса дзюдо билан жиддий шуғулланиб, мутахассислар назарига тушди. Аммо у учун энг ардоқли спорт тури таэквондо бўлиб чиқди.

— Тақдир мени Георгий Кимдек ажойиб инсон билан учраштирмаганида, эҳтимол, ҳамон ошпазлик қилаётган бўлардим ёки нари борса бир ўртамиёна спортчи бўлиб қолардим, — дея давом этади қаҳрамонимиз. — Эсимда, биз дзюдодан сабоқ олаётган залда тушдан сўнг таэквондочилар машғулот ўтказишарди. Менга Георгий Ким олиб бораётган бу машғулотлар қанақадир сирли, ғаройиб туюларди. Уйга кетмай деразадан туриб томоша қилардим. Бу менга шунчалик завқ бағишлардики, ҳатто оёқларим увушиб қолганини ҳам сезмасдим. Мураббий буни сезган экан. Ёнига чақириб, дзюдони ташламаслик шарти билан тўгарагига қабул қилди. Ўйлаб қарасам, ўшанда у мендаги қизиқишнинг сўниб кетишига йўл қўймаган экан. Ҳозир устозим орамизда йўқ. Мен у зотдан бир умр миннатдорман.

Комил ака тенги авлод катта спортга кириб келган даврда жаҳон, Осиё миқёсидаги турнирларда иштирок этиш ширин бир тушдек гап эди. Беш карра Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган, Душанбе, Грозний шаҳарларида шарқ яккакурашлари бўйича бўлиб ўтган турнирларда ўз вазн тоифасида ғолиб чиққан Комил Шукуровнинг орзу-ниятлари мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг тўла-тўкис рўёбга чиқди.

**Бу ўринда унинг 2006 йилда Болгариянинг София шаҳрида фахрий спортчилар ўртасида ўтказилган 2-жаҳон чемпионатидаги муваффақиятларини эслашнинг ўзи кифоя. Ўшанда у 73 килограмм вазн тоифасида массоги, яъни яккама-якка жангда барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.**

Бундан ташқари, оёқ ва қўл билан ёғочни синдириш беллашувида кумуш, жамоавий баҳсларда бронза медаль соҳиби бўлди. 2008 йилда Тошкентда шарқ яккакурашлари бўйича фахрий спортчилар ўртасида бўлиб ўтган 3-жаҳон чемпионатида ҳам у шу муваффақиятини такрорлади.

— Массоги баҳси ярим финалида россиялик Плюшин билан кечган жангни ҳеч унута олмайман, — дея эслайди Комил ака. — Негаки, у жуда маҳоратли спортчи. Боз устига, бунгача терма жамоамиз аъзосини енгишга муваффақ бўлганди. Рақибим ҳужумга ташланганида мен ундан илдамроқ ҳаракат қилиб, зарба бера бошладим. Охир-оқибат, у асабийлаша бошлади. Танаффусда унинг ўз мураббийига "Улгура олмаяпман" дегани қулоғимга чалинди. Менга бу ғалаба сув ва ҳаво каби зарур эди. Ҳаяжонни енгдим. Ўзимни қўлга ола билдим. "Халқим, шогирдларим кўз ўнгида, албатта, ютишим керак", деб ўйладим. Ниятимга эришдим. Финал эса нисбатан осон кечди. Икки карра жаҳон чемпиони бўлдим.

Ҳа, ҳаммасини эпчиллик, тўғри тактика танлангани ҳал қилди. Комил ака шогирдларига ҳам шуни уқтиришни канда қилмайди. Улар сафида жаҳон, Осиё, мамлакат миқёсидаги турнирларнинг совриндорлари борлигидан фахрланади. Дарвоқе, Комил ака ошпазликни ҳам унутгани йўқ. Бухороча ошни қойиллатади. Дўстлари, шогирдлари унинг бу борадаги маҳоратига аллақачон тан беришган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Футбол бўйича Жанубий Африка Республикаси майдонларида ўтказилган XIX жаҳон чемпионатининг финал учрашувида ўйналган тўп кимошди савдосига қўйилди.**

## Финалда дарвозани забт этган тўп

### кимошди савдосида сотилди

Хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қараганда, Испания ва Голландия терма жамоалари ўртасидаги баҳсда ўйналган "Жабулани"ни харид қилишни хоҳлаганлар жуда кўп бўлган. Эътиборлиси, кимошди савдоси биринчи марта Интернет орқали амалга оширилган.

Шундай қилиб, Голландия дарвозасига киритилган ягона тўп 74 минг АҚШ долларига сотилди. Ҳозирча уни ким сотиб олгани ошкор этилмаяпти. Кимошдидан тушган маблағ ЖАРда ОИВ/ОИТСга қарши курашишга сарф этилар экан.

# Спортнинг сирли олами

**Жаҳондаги спорт турларининг саноғига етиш қийин. Лекин тан олиб айтиш керакки, футбол барча спорт турлари орасида энг оммабопи, севимлиси ва бир сўз билан айтганда, унинг шоҳидир. Зеро, севимли жамоаси мағлубиятга учраганида телевизорини деразадан улоқтириш, ўзини поезд тагига ташлаб, жонига қасд қилиш, кучли ҳаяжон остида стадионда юрак хуружидан ҳаётдан кўз юмиш ҳоллари ҳам фақат футбол ўйини вақтида юз берган.**

## МАЙДОН ТЕКИС...

*Футбол мамлакат ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган Бразилияда эса айрим муҳим ўйинлар пайтида, ҳатто, парламент мажлислари ҳам кўчириларкан.*

**Тасвирлашга тил ожиз бўлган чиройли голлару инсон хаёлини шошириб қўядиган даражадаги гўзал комбинациялар, дарвоза тўсинини титратиб юборадиган кучли зарбалару бемисл шиддатли ёриб ўтишлар ҳам футболга хос хусусиятлардандир. Яна бир алоҳида таъкидлаб ўтишга арзийдиган томони шундаки, футбол қадимий спорт турлари қаторига киради. Гарчи миллионлар ўйини расман 1863 йилда Англияда кашф этилган деб ҳисобланса-да, ушбу бетакрор спорт турининг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади.**

*Қадимги Хитой, Япония, Рим империяси — мазкур ўтмиш цивилизацияларидан тўп тепаётган эркакларнинг қояга ўйилган, металлга ёки матога туширилган тасвирлари бизгача етиб келган, шунингдек, қимматбаҳо ёзма манбалар ҳам мавжуд.*

**Эрамизгача бўлган 2697 йилга таaллуқли қадимги Хитой манбаларида замонавий футболга ўхшаш ўйин тасвири учрайди. Бунда жамоалар Хитой императори гувоҳлигида тўп сурган бўлиб, ғолибларни гул, вино ва қимматбаҳо идишлар билан тақдирлаганлар. Ютқазган жамоа ўйинчиларини эса мухлислар кўзи олдида бамбук таёқчалари билан савалаганлар...**

Бу каби қизиқарли маълумотлар спорт, хусусан, футболга оид таҳлилий мақолалар, интервьюлар ва репортажлар муаллифи, журналист Дилшод Исроиловнинг яқинда чоп этилган "Футболнинг сеҳрли оламига саёҳат ёхуд жаҳон чемпионатлари тарихидан" номли китобидан ўрин олган. Унда ҳозиргача ўтказилган барча жаҳон чемпионатлари ҳақида қизиқарли ва батафсил маълумотлар берилган. Мазкур рангли, суратларга бой китобдаги мақола ҳамда таҳлиллар ўқишли ва равон баён этилган. Шунингдек, у нафақат кенг омма учун мўлжалланган, балки футбол мавзуини ёритаётган журналистлар учун ҳам ажойиб қўлланма, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Қисқаси, ушбу китоб миллионлар ўйинига ошуфта кўнгиллар учун ажойиб туҳфадир.



**Ёшлик, шижоат, маҳорат ва баркамоллик.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

***Аёллар ўртасида жаҳоннинг биринчи рақамли ракетка устаси деган эътирофга сазовор бўлиб келаётган АҚШлик Серена Уильямс август ойи охирида ташкил этиладиган йирик "US Open" турнирида қатнашмаслиги мумкин.***

## Ўйиндан ташқари ҳолатда

Гап шундаки, у яқинда оёғига шиша қолдиғи кириши оқибатида жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказган эди. Шу боис Серенанинг Истамбул, Цинциннати ва Монреалда бўлиб ўтадиган теннис мусобақаларида ҳам иштирок этмаслиги ойдинлашди. Куни кеча шифокорлар теннисчининг жароҳати ҳали-бери битмаслигини, унинг ўз мамлакати мезбонлик қиладиган чемпионатда иштироки ҳам шубҳа остида эканини билдиришди.

**Бугун саккизоёқ Пауль ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Унинг футбол бўйича жаҳон чемпионати учрашувларини антиқа усулда башорат қилиб, ғолибларни тўғри топа олгани кўпчиликни ҳайратга солгани рост.**



## САККИЗОЁҚ УЧУН СОҚЧИ

Буюк Британиядаги "William Hill" букмейкерлар уйи (ўйин натижаларини олдиндан башорат қиладиган муассаса) Паулнинг тахминлари оқибатида 500 минг фунт-стерлинг йўқотганини маълум қилди. Шу боис ташкилот раҳбари Грэхам Шарп саккизоёқнинг кейинги мундиалгача "истеъфо"га чиқишига умид билдирмоқда.

Ҳозирда Германиянинг Оберхаузен ҳайвонот боғида сақланаётган Паулни томоша қилиш учун кунига минглаб сайёҳлар ташриф буюряпти. Яқинда уни қўриқлаш учун махсус соқчилар ҳам ёлланган.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**

**"Бокс инсон саломатлиги учун хавфлими?"**

**Бу саволга боксчиларнинг 10 фоизи "хавфли" деб жавоб беришди. Қолган 90 фоизи эса саволни тушунмади.**

## Ниммабассум

**Мусобақада иштирок этаётган жамоанинг мақсадлари:**

***1. Биз ғалаба қозонишга келдик!!!***
***2. Бизда яхши имкониятлар бор.***
***3. Ҳали ҳаммаси йўқотилмаган...***
***4. Ноумид шайтон.***
***5. Муҳими, иштирок этиш эди.***

**— Дада, австралияликлар нега доим ҳаммадан тез сузишади?**

**— Чунки ўғлим, Австралия денгизларида акулалар кўп-да!**

*Спорт олами шиддату шижоатга тўла дамлари, жозибаси, ажойиб ғалабалари ва аламли мағлубиятлари билан кўпчиликни ўзига мафтун айлаган. Ушбу соҳага оид ўзгача хабарларни ўқиш эса янада мароқли. Мана масалан, бундан бир неча йил олдин Италияда "Йилнинг энг яхши спортчиси" мақоми шунча спортчи турганда, Варенне лақабли пойга отига берилганди. Бундай янгиликдан чопқир арғумоқнинг Жампауло исмли чавандози ҳам ҳайрон қолганди. Бу ҳам етмаганидек, пиренейлик от спорти мухлиси ўз фарзандига Варенне Жампауло исмини берганига нима дейсиз.*

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Спортчиларнинг масъулиятли ўйин, старт, умуман, ҳаяжонли дақиқалар олдидан амалга оширадиган одатлари, ирим-сиримларини олиб кўрайлик. Улар ҳам қизиқ, ҳам ғалати.

# Қизиқ томоша ва ғалати одатлар

**Ўтган йили Қозоннинг "Рубин" футбол жамоаси кутилмаганда "Камп Ноу" стадионида кимсан "Барселона"ни "ер тишлатди". Ана шу мўъжизакор кунда меҳмонлар мураббийи Қурбон Бердиев эгнига одми костюм кийиб, бўйнига рўмолча ўраб олган эди. Ўшандан бери ушбу футбол мутахассиси ўз шогирдларини майдонга худди ўша либосда бошлаб тушадиган бўлди.**

Испаниянинг "Реал" футбол клуби ўйинчилари эса ҳар бир ғалабани Мадрид шаҳридаги марказий кўчада жойлашган фавворада чўмилиб нишонлашаркан.

**Хоккейчилар ҳам чарм тўп усталаридан қолишмайди. Бундай пайтлар биринчи галда шайбали спорт турининг таниқли вакили Уэйн Гретцки билан боғлиқ воқеа эсланади. Миллий хоккей лигасида "Эдмонтон"-дек кучли жамоага қарши ўйин бўладиган куни у кутилмаганда клюшкасига болалар баданига сепиладиган дорини тўкиб юборади. Буни қарангки, баҳс Гретцки учун фавқулодда омадли тарзда кечади. 99-рақам эгаси ўшандан буён ҳар бир ўйин олдидан таёқчасига дори кукунини сепишни унутмайди.**

Бошқа спорт турларида қандай дерсиз? Машҳур теннисчи Андре Агасси йирик турнирлар олдидан ғалаба қозонган мусобақаларида кийган пайпоқларини бир сидра ювиб олар экан. Бу борада кубалик баландликка сакраш юлдузи Хавьер Сотомайорга етадигани йўқ, десак, хато бўлмайди. У секторга чиқишидан олдин ҳар сафар ойна қаршисида туриб йиғлаб олади. Агар кўзёши келмаса, махсус дoридан фойдаланади. Америкача футбол ўйинчиси Тим Грин баҳслар олдидан интеллектуал меҳнат билан шуғулланиши маълум. Бошқача қилиб айтганда, у Жиноят кодекси моддаларини ўқиб чиқади. Балки шу орқали спортни танлаб тўғри қилганидан хурсанд бўлар. Яна билмадик.

*Қатор рекордлар муаллифи, россиялик лангарчўпда сакраш устаси Елена Исинбаева югуришдан олдин пичирлашини кўп кўрганмиз. Мутахассислар илғор техника воситалари ёрдамида у нималар ҳақида сўзлашини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрдилар. Аммо бари бефойда. Еленанинг ўзи эса, табиийки, бу борадаги сирини ошкор этишни истамайди. Кўзга кўринган баскетболчи Карл Мэлоуннинг одати Исинбаеваникидан ҳам ўтади. У жаримани амалга оширишдан олдин тўпга овозини чиқармай гапириб қўяди. Нима дейди? Бу ҳам номаълум. Гольфчи Тайгер Вудс нуфузли турнирларнинг энг муҳим кунида қизил майка билан яшил майдонга ташриф буюрса, баскетбол юлдузи Майкл Жордан коллеж пайтида кийган кўк шортисини ғалаба тимсоли деб билган.*



**Нима учун кўплаб спортчилар бунақа иримчи бўлишади? Нега улар либос ва буюмларни муваффақият рамзи деб қабул қилади? Бу аслида изоҳлаб бўлмайдиган ҳолатлар, шундай эмасми?**

Бироқ Германиянинг Кёльн университетида Лисанн Дамиш, Барбара Стоберок ва Томас Массвейлер томонидан юқоридаги саволларга жавоб излаш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Дастлаб 28 нафар талаба қизиқарли жараёнга таклиф этилди. Иштирокчиларнинг 80 фоизи омадга ишонишини маълум қилди. Шундан сўнг улар тенг миқдорда икки гуруҳга бўлинишди. Шарт эса тўпни бир метр узоқликдан туриб, чуқурчага тушириш эди. Биринчи гуруҳ вакилларига "Бу коптокча бахт, омад келтиради", дейилди. Иккинчи гуруҳга эса "Бу оддий тўп", дея уқтирилди. Буни қарангки, "омадли тўп"ни улоқтирганлар ўнта уринишдан ўртача 6,42 очко жамғардилар. Уларнинг рақиблари эса 4,75 га тенг натижани қайд этдилар.

Иккинчи гал 51 талаба эътибор марказида бўлди. Улар 36 та кичик шарчани 36 та тешикчага қисқа вақтда туширишлари керак эди. Айримлари "Мен сизга ишқибозлик қилаяпман", баъзилари "Сиз ҳаммасини уддалайсиз", дея қўллаб-қувватланган бўлса, қолганлар шунчаки мусобақани бошлаш ҳақида огоҳлантирилди. Пировардида руҳлантирилганлар топшириқни бошқалардан олдинроқ бажаришди.

Шу орқали олимлар юқоридаги каби ҳар бир спортчининг ўзигагина хос бўлган одатлари, предметлардан фойдаланишлари қайсидир маънода ишончни мустаҳкамлаш, ҳаяжонланишдан фориғ бўлиш, вазиятни назорат қилиш, тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам беришини илмий жиҳатдан кўрсатиб бердилар.

— Спорт мусобақаларини мунтазам кузатиб бораман. Уларда кўплаб спортчилар, ҳатто, машҳурлари ҳам қандайдир ҳаракатларни амалга оширишлари ёки ғайритабиий одатларни қўллашларига тез-тез гувоҳ бўлиб тураман, — дейди Лисанн Дамиш. — Ирим-сирим ишончни оширишга ёрдам беради, аммо бу одатлар, албатта, ғалаба келтиради дегани эмас. Сабаби, муваффақият қайси спортчи ҳар томонлама кучли бўлса, ўшанга тегишлидир.

Хуллас, спортнинг бу олами ана шундай сир-синоатларга ҳам тўла.

**Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси Қўмита аъзоси К. Р. Очиловга отаси **АБДУРАЙИМ** отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 27 июль, сешанба куни чиқади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 21.25 1 2 4 5